

АВТОМОБИЛ ТЕХНИКАЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ

Асадуллаев Лазиз Мухаммадиевич

Мирзо Улузбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази умумқўшун тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси, резервдаги майор

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: Автомобил техникасидан фойдаланиш даври, агрегат, механизм, табиий ейилишлар, эскиришлар, металлларнинг чарчаши, ҳар хил фаслларда об-ҳавонинг ва иқлимнинг таъсири, таъмир талаб бўлиши, техник хизмат кўрсатиш, жорий, ўрта, капитал, регламент таъмирлаш ва техник ҳолати бўйича таъмирлаш.

Анотация

Ушбу мақолада ҳарбий автомобил техникаларини таъмирлашни ташкил этиш ва таъмирлаш орқали автомобил транспортининг ҳаракатланувчи таркибини ишга яроқлилигини тиклаш ва сақлаб туриш, ишлатиш чоғида юзага келган ёки техник хизмат кўрсатишда аниқланган носозликларни ҳамда бузилишларни бартараф этиш ҳақида сўз боради.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Ўзбекистон Республикаси мамалакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга асосий эътиборни қаратиб келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари замонавий техника ва қуроллар билан таъминланган бўлиб, ҳар қандай тажовузларга қарши қақшатқич зарба беришга қодир [1].

Ҳар қандай техника ва қуролларнинг жанговар қувватини, уларнинг тактик техник тавсифини билиш, улардан оқилона ва тўғри фойдаланишга боғлиқ бўлади. Бу ҳам ўз навбатида автомобил хизмати шахсий таркибининг юқори билими савияси ва малакасига боғлиқ. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг жанговар вазифаларни муваффақиятли бажаришига автомобил техникасининг тутган ўрни беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларда қабул қилинган автомобил техникаларига шахсий таркибни, ҳарбий техникаларни ва мулкларни ташишда мўлжалланган ғилдиракли ва занжир тасмали машиналар киради, шу жумладан:

- кўп мақсадларга мўлжалланган машиналар;
- кўп кўприкли махсус шассилар ва кўп кўприкли оғир шатакчи техникалар;
- занжир тасмали шатакчи машиналар, транспортёрлар ва кўп мақсадларда фойдаланиладиган шатакчи транспортёрлар;
- транспортёрларлар ва ғилдиракли шатакчи машиналар;
- тиркамалар ва ярим тиркамалар;
- ғилдиракли ва занжир тасмали машиналарга ўрнатилган, автомобил техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш воситалари;
- қўшимча ишларда фойдаланиладиган тракторлар.

Автомобил техникаларига - кўп сонли ҳарбий техникалар киради, жанговар вазифаларни бажаришнинг

асосини ташкил қилади ва қўшинларнинг ҳаракатланишини таъминлаб беради.

Иккинчи жаҳон урушида Москва остоналаридан то Берлингача бўлган масофани қўшинлар от уловларда ва пиёда босиб ўтган бўлса бугунги кунда бу вазифалар ҳарбий автомобил техникалари зиммасига юклатилган.

Уруш даврида жанговар топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши, автомобил техникаларини қисқа муддат ичида тиклаб сафга қайтариш бевосита автомобил хизмати мутахассисларининг касбий тайёргарлигига боғлиқ. Қўшинларнинг жанговар ҳаракатлар олиб боришида автомобил техникаларининг шикастланиши ортиб боради, техник разведка томонидан уларни ахтариб топиш, ҳавфсиз жойга эвакуация қилиш ва кейинчалик тиклаш таъмирлаш эвакуация гуруҳи шахсий таркибидан катта малака талаб қилади [2].

Тинчлик даврида автомобил техникасидан фойдаланиш даврида агрегат ва механизмларида табиий ейилишлар, эскиришлар, металлларнинг чарчаши ҳар хил фаслларда об-ҳавонинг ва иқлимнинг таъсири кузатилади ва вақти келиб таъмир талаб бўлиб қолади. Натижада автомобилларда турли носозликлар инкорлар (отказлар) юзага кела бошлайди ва буларни таъмирлаш эвакуация гуруҳидан юқори малака ва қўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Таъмирлаш орқали автомобил транспортининг ҳаракатланувчи таркибини ишга яроқлилигини тиклаш ва сақлаб туриш, ишлатиш чоғида юзага келган ёки техник хизмат кўрсатишда аниқланган носозликларни ҳамда бузилишларни бартараф этиш таъминланади. Таъмирлаш пайтида агрегатлар, узеллар (йиғма бирликлар) ва деталларнинг носозлари айланма фондидан олинган созларига алмаштириш, шунингдек, қисмларга ажратиш, ростлаш, йиғиш, чилангарлик, механик, пайвандлаш, электромеханик ва бошқа турдаги ишлар амалга оширилади. Таъмирлаш ишлари носозликларга ёки бузилиб қолишларга боғлиқ бўлган эҳтиёж бўйича ҳаракатланувчи таркиб маълум бир масофани босиб ўтгандан сўнг ёки уни ишлатиш чоғидаги олдиндан белгиланган вақтда (эҳтиёт-таъмирлаш), режа бўйича ҳам бажарилади. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг режа асосида бажарилиш тизими турли хил носозликларни келтириб чиқарувчи сабабларини ўз вақтида бартараф этишни таъминлайди ҳамда эҳтиёт қисмлари сарфини ва таъмирлаш ишларининг ҳажмини қисқартиради. Ушбу тизимда деталларни таъмирлаш ва тиклашнинг илғор усуллари қўллаш автомобилларни таъмирлашда туриб қолиш вақтини камайтириш мумкин бўлади. Бу албатта, техник шайлик коэффициенти (ТШК) оширишга имкон беради [3].

Автомобил техникаларини таъмирлашнинг аҳамияти

Таъмирлаш ишларини режалаштириш белгиланган тартибда амалга оширилади. Машиналарнинг техник ҳолати таъмирлашгача бўлган таъмир оралиғи, белгиланган тартибда ҳар қандай ҳолатда, ҳақиқий таъмирлаши талаб қилинганда амалга оширилади.

Бундай таъмирлаш тизими машиналарни узоқ муддатгача хизмат қилишини, эҳтиёт қисмларининг тежалишини, маблағларнинг кам сарфланишига имкон беради.

Машиналарни ўз вақтида ва юқори сифат билан таъмирлаш қўшинларнинг жанговор шайлигини сақлаб туришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

У қуйидагилар билан таъминланади:

- керакли жиҳоз, асбоб ва ускуналар билан яхши таъминлаган, малакали шахсий таркиб билан бутланган таъмирлаш қисмларининг (бўлинмаларининг) мавжудлиги, машиналарни таъмирлаш бўйича топшириқларни бажаришга доимо шайлигини;
- ишлаб чиқаришни тўғри ташкиллаштириш, машиналарни таъмирлашга оид техник талабларга амал қилиш ва уларнинг бажарилишини доимо назорат қилишни;
- мутахассисларнинг ишлаб чиқариш ва дала таълимотининг юқори даражасини ва уларнинг малакасини доимо оширишни;
- машиналарнинг сафдан чиқиш жойини ўз вақтида аниқлаш ва ушбу машиналарга таъмирлаш воситаларини тезкор ҳаракатланишини ёки таъмир талаб машиналарини таъмирлаш қисмларига (бўлинмаларига) тезкор олиб боришни (юборишни);

- таъмирлашнинг технологик жараёнини доимий равишда такомиллаштиришни;
- захираларни яратиш ва таъмирлаш қисмларини (бўлинмаларини) автомобил ва бошқа техник мулки билан ўз вақтида таъминлашни.

Таъмирлаш ва эвакуация бўлинмалари ҳамда автомобил ва бошқа техник мулки билан таъминлаш органлари орасида ҳамкорлик масалаларини йўлга қўйилади.

Шикастланишлар (носозликлар) характери ва уларни бартараф этиш бўйича ишларнинг сермашақатлигига боғлиқ ҳолда қуйидаги таъмирлаш турлари белгиланган:

- автомобил, занжир тасмали машиналар ва тракторлар учун – **жорий, ўрта, капитал, регламент таъмирлаш ва техник ҳолати бўйича таъмирлаш;**
- агрегат ва тиркамалар учун – **жорий, капитал ва техник ҳолати бўйича таъмирлаш.**

Қўшинларида машиналарни таъмирлашнинг қуйидаги тизими қабул қилинган, бунда **ўрта ва капитал** таъмирлаш ўрнатилган таъмирлараро ресурслар бўйича **режалаштирилади**, таъмирлашга бўлган ҳақиқий эҳтиёж эса **машинанинг техник ҳолатига** боғлиқ ҳолда белгиланади [4].

Машинанинг жорий таъмири носоз, детал, механизм ва асбобларини алмаштириш ёки таъмирлаш, ҳамда зарур бўлган ростлаш, маҳкамлаш, пайвандлаш, чилангарлик, механик ва бошқа ишларни бажаришдан иборат.

Машиналарни жорий таъмирлаш дегани – бу носозликларни бартараф этиш, шикастланган деталларни, механизмларни ва ускуналарни алмаштириш ёки таъмирлаш, мослаш, қотириш, пайвандлаш, чилангарлаш, механик ва бошқа таъмирлаш ишларини бажариш демакдир.

Жорий таъмирлашда фақат битта асосий агрегатни алмаштиришга рухсат берилади (енгил автомобил кузови, рамаси, махсус ғилдиракли шассининг, ёки тортқичнинг двигатели ва гидромеханизм узатмаси бунга кирмайди) (1-4 расмлар).

Машинанинг ўрта таъмири енгил автомобил (автобус) кузови, машина корпуси ёки рамасидан ташқари **иккитадан кам бўлмаган, яримдан кўп бўлмаган** асосий агрегатларни алмаштириш ёки капитал таъмирлашдан иборат бўлади.

Бунда агрегат, механизм ва асбобларнинг техник ҳолати текширилади ва зарурат туғилганда уларнинг жорий таъмири ҳамда навбатдаги капитал таъмирга (ёки ҳисобдан чиқаришга) қадар барча агрегатлар ва бутунлай машинанинг ресурсини тиклаш мақсадида ростлаш, маҳкамлаш, пайвандлаш, чилангарлик-механик ва бошқа таъмирлаш ишлари, шунингдек машиналарга техник хизмат кўрсатиш амалга оширилади.

Машинанинг капитал таъмири – машиналарни капитал таъмирлашга доир техник талабларга мувофиқ уни қисмларга тўлиқ ажратиш, барча агрегат, механизм ва асбоблар ва ейилган деталларни капитал таъмирлаш, йиғиш ва синовдан ўтказишдан иборат бўлади.

Капитал таъмирлаш белгиланган меъёрларга мувофиқ навбатдаги ўрта таъмиргача машинанинг таъмирлараро ресурсини тикланишини таъминлаши керак.

Машиналарнинг техник ҳолати бўйича таъмирлаш автомобил ишлагандан (босиб ўтган йўлидан) қатъий назар, ишлатишда 10 йил бўлганидан сўнг носоз агрегатлар (шу жумладан асосий), деталлар, механизм ва асбобларни алмаштириш ёки таъмирлаш йўли билан носозликларини бартараф этиш, шунингдек, зарур бўлган ростлаш, маҳкамлаш, пайвандлаш, чилангар-механик ва бошқа таъмирлаш ишларини бажаришдан иборат [5].

Техник ҳолати бўйича таъмирлаш автомобил қанча ишлаганидан (босиб ўтган йўлидан) қатъий назар, техник ташхис натижалари бўйича ўтказилади.

Агрегатни жорий таъмирлаш – уни қисмларга қисман ажратиш, ейилган ва шикастланган алоҳида механизм ва деталларни (база сифатида қўлланиладиган деталларидан ташқари) алмаштириш ёки таъмирлаш ҳамда зарурат бўлганда ростлаш ва маҳкамлаш ишларини бажаришдан иборат.

Агрегатни капитал таъмирлаш – уни қисмларга тўлиқ ажратиш, барча ейилган ва шикастланган

деталларни алмаштириш ёки таъмирлаш, йиғиш ва агрегатларни капитал таъмирлашга оид техник талабларига мувофиқ синовдан ўтказишдан иборат бўлади.

Детални таъмирлашни бажаришда уни таъмирлашга оид техник талаблар билан мувофиқликка келтирилади, деталнинг геометрик шакли, ўлчамлари ва механик хусусиятларини чилангарлик, темирчилик, пайвандлаш, термик, механик, электролитик ва бошқа ишларни бажариш йўли билан дефектларини бартараф этишдан иборат бўлади.

Таъмирлаш гуруҳлари ва машиналар русумлари бўйича таъмирлашга сарфланадиган вақт меъёрлари, техналогик жараёнлар, техник талаблар ҳамда материаллар, эҳтиёт қисмлар ва асбобларни сарфланиш меъёрлари Автомобил техникаси бошқармаси томонидан ўрнатилади.



1-расм.



2-расм.



3-расм.



4-расм.

Автомобилларни жорий таъмирлаш технологик жараёнини ташкил қилишда:

- жорий таъмирлаш (кейинчалик ЖТ) ишлари уч хил усулда:
- агрегат ва якка усулда олиб борилади.

Агрегат усули – бузилган агрегат ва узелларни, аввалдан таъмирлаб қўйилган ёки янгисига алмаштиришдан иборатдир.

Якка усул – автомобилни агрегат ёки механизминини тузатиб, яна ўз ўрнига қўйишдан иборатдир.

Аралаш усул – бу усулда янги янги агрегатларни машинага ўрнатилиши билан бир қаторда таъмирдан чиққанлари ҳам ишлатилади.

Автомобилларни таъмирлашнинг иккита усули мавжуд:

1. Йўналиш бўйича таъмирлаш усули. (поточный)
2. Боши берк усули бўйича таъмирлаш. (тупиковый)

Йўналиш бўйича таъмирлаш усулида - технологик жараён алоҳида операцияларга ёки операция гуруҳларига бўлинади ва бу ишлар фақатгина бир хил мутахассис томонидан бажарилади.

Боши берк усули бўйича таъмирлашда-машинани бошидан охиригача таъмирлашда фақат битта ишчи бригадаси томонидан бажарилади. (қурол яроғ ва алоқа воситаларини таъмирлашдан бунга қирмайди)

Бу усулда таъмирланаётган машина ушбу таъмирлаш гуруҳи иш жойида бошидан оитригача қолади. Ҳарбий қисм таъмирлаш бўлинмаларида ушбу усулдан фойдаланилади [6].

Таъмирлаш қисмлари (бўлинмалари)да агрегатлар, механизмлар ва асбоблар таъмирланади ва захира яратилади, бу захира – **айланма фонд** дейилади ва унинг миқдори бўлинмаларнинг тўхтовсиз ишини таъминлаши керак бўлади. Таъмирлаш қисмлари (бўлинмалари) эҳтиёт қисм ва материаллари билан меъёрлар (алоҳида сўровномалар) бўйича ва улар учун тасдиқланган таъмирлаш режасига (топшириқларга) мувофиқ таъминланади. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши техник хизмат кўрсатиш вақтида аниқланган камчиликлар, талабларига қараб ёки командирнинг техника ва қурол-аслаҳа бўйича ўринбосарининг кўрсатмаларига биноан амалга оширилади. Жанговор ҳаракатлар вақтида таъмирлаш гуруҳи командири буйруқ (фармойиш) кутмасдан техникаларни жорий таъмирлашга қабул қилиб олиши мумкин. Гарнизонда техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўлинмалари ёки ҳарбий қисмлари бўлмаса, у ҳолда машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш ишлари ҳарбий қисм таъмирлаш гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Танлаб олинган технологик жараён қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- хамҳаражатлилиқ ва меҳнат ҳавфсизлигини;
- бажарилган ишнинг юқори сифатини;
- бажарилаётган ишлар учун шахсий жавобгарлиги;
- профилактик тадбирларни кўпайтириш, шу жумладан олдиндан таъмирлаш ишлари;
- техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлашнинг режим ва меъёрларини муқобиллаштириш.

Операция – автомобил ёки унинг қисмларига бир ишчи постида, бир ёки бир неча бажарувчилар томонидан бажариладиган технологик жараённинг яқунланган қисмидир.

Ишларни энг қулай кетма-кетликда бажариш учун техник ҳужжатлардан, яъни технологик хариталардан, таъмирлаш корхоналари кўрсатмаларидан, техник шартлардан фойдаланилади. Техник хизмат кўрсатишда ва жорий таъмирлашда технологик жараёни ишчи постларида ва иш ўрниларида бажарилади.

Ишчи пости – техник хизмат кўрсатиш жиҳозлари, ёрдамчи ускуналар ўрнатилган ва автомобил учун ажратилган жой, бир ёки бир неча иш ўрниларидан иборат бўлган муҳит (5-расм).

Иш ўрни – маълум бир ишни бажариш учун технологик ускуналар, ёрдамчи жиҳоз, мослама, қурилма ва асбоблар билан жиҳозланган бир ишчининг меҳнат қилиш муҳити (6-8 расмлар).

Пайвандлаш постининг умумий кўриниши




5-расм.



6-расм

Автомобил асбоб анжомлари



7-расм.



8-расм.

Автомобил техникалар таъмирини ташкиллаштириш

Машиналарни жорий ва истисно равишда ўрта таъмирлаш ҳарбий қисм ва қўшилмаларнинг таъмирлаш бўлинмаларида ўтказилади. Таъмирлаш бўлинмалари бўлмаган ҳарбий қисмларнинг машиналарини жорий ва ўрта таъмири автомобил техникалари бошлиғи томонидан тасдиқланган режалар бўйича бирлашманинг таъмирлаш бўлинмаларида ёки бошқа ҳарбий қисмларнинг таъмирлаш бўлинмаларида бажарилади.

Ҳарбий қисмларнинг машиналарини капитал таъмирлаш автомобил техникалари бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланган таъмирлаш режасига мувофиқ, муҳофаа саноати таъмирлаш бўлинмаларида (корхоналарида) ёки иқтисодиёт соҳалари корхоналари, уларнинг бўйсунувидан катъий назар амалга оширилади.

Янги ёки таъмирланган машиналар навбатдаги капитал, ўрта таъмирланишигача ёки ҳисобдан чиқаришгача бўлган даврини, **таъмир оралиғи** - деб аталади.

Ушбу давр **километрда** ёки машина бир жойда тўхтаб туриб, фақат унинг двигатели ишлаганда **мотосоатда** ўлчанади [7].

Таъмир оралиғини юриб ўтиш даврида машиналарни тўғри эксплуатация қилиш бўйича жавобгарлигини ошириш, машиналарни таъмирлашга режалаштириш ва эҳтиёт қисмлар, таъмирлаш воситаларига эҳтиёжини аниқлаш учун керак бўлади.

Унинг ёрдамида автомобилнинг моторресурс захираси аниқланади ва таъмирлаш сифати белгиланади.

Ушбу меъёр Мудофаа Вазирлиги ҳарбий қисмлари ва муассасаларида автомобил техникаси ва мулкларининг таъмирлашгача ва ҳисобдан чиқаргунча ишлатиш (хизмат муддатлари) меъёрларини аниқлаб беради.

Меъёрлар, жадал ишлатилган автомобил техникаларини таъмирлашгача ва ҳисобдан чиқаришгача (агарда машина капитал таъмиргача белгиланган нормасини 12 йилдан ортиқ бўлмаган вақтда ишлатиб бўлган бўлса) ва автомобил шиналари, аккумулятор батареялари ва тентларининг хизмат муддатларини белгилайди.

Белгиланган меъёрлар ишлатиш (хизмат) муддатлари уларни ишлатишда – ишлатиш (хизмат) муддатлари **минимал (энг кам)** - деб қабул қилиниши керак.

Машиналар, шиналар, аккумулятор батареялари (кейинчалик АКБлар) автомобил тентлари ишлатиш (хизмат) муддатларини ўтаб бўлган тақдирда ҳам ва улар ўзларининг техник ҳолатлари бўйича кейинги эксплуатацияга яроқли бўлса, у ҳолда улар яроқсиз ҳолатга келгунча ишлатилади.

Автомобил техникаларини эксплуатациясига жавобгар мансабдор шахслар машинанинг шина ва АКБларининг ишлатиш (хизмат) муддатлари ўташларини таъминлаши учун чоралар кўришлари, ушбу белгиланган ишлатиш (хизмат) муддатларини кўпайтириш бўйича ишларни амалга оширишлари талаб қилинади.

Кўшинларнинг ҳаракатланувчи таркиби ва катта танаффуслар билан ишлатиладиган ёки мотозаҳираси чекланган автомобил техникаларини ҳисобдан чиқаришгача хизмат муддатлари автомобиллар учун 18 йил, тасма занжирли машиналар, ғилдиракли махсус шассилар ва тортгичлар учун – 20 йил деб белгиланган.

Машиналарнинг турли модификацияларини капитал таъмирғача ва ҳисобдан чиқаргунча хизмат муддатлари, ушбу машиналарнинг базасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Автомобиллар, автобуслар, махсус базали шассилар ва тортгичлар қодаларга кўра, бир марта капитал таъмирғача юборилади. Қўшимча капитал таъмирғача юбориш МВ таъминловчи бошқарма бошлиғи рухсати билан амалга оширилади.

Енгил автомобилларни ва автобусларни капитал таъмирғача юбориш хизмат муддати 8 йил ва агарда кузови кейинчалик ишлатишга яроқсиз бўлса, у ҳолда ҳисобдан чиқариш босиб ўтган йўлидан қатъий назар 15 йил деб белгиланади.

Хизмат муддати 15 йилдан ошган ёки ишлаб чиқарилишдан ечилган барча ғилдираклари етакловчи бўлмаган юк автомобиллари ва юқори ўтувчан бўлган автомобиллар (Газ-69, Газ-66, ЗиЛ-157, ЗиЛ-131, Урал-375, КрАЗ-255) иқтисодий мақсаддан келиб чиқиб капитал таъмирғача юборилиши ёки ҳисобдан чиқиши машинанинг ўзининг техник ҳолатига кўра (қанча масофа босиб ўтганидан қатъий назар) белгиланади.

Шу турдаги машиналарни таъмирлаш ва тиклаш мақсадида яроқли эҳтиёт қисмлари, йиғма бирикмалари ва агрегатлари омборхона ҳисобига олинади.

Навбатдаги капитал таъмирғача ёки ҳисобдан чиқаришгача машиналарнинг ишончли ишини таъминлаш мақсадида ўрта таъмирлаш ўтказилади ва унда капитал таъмирғача бир марта, бундан ташқари капитал таъмир билан ҳисобдан чиқаришгача бир марта ўтказилади.

Машинани ўрта таъмирғача юборишда – янгилари учун **60%** дан кам бўлмаган, капитал таъмирдан чиққанлари учун эса **50%** кам бўлмаган йўлни босиб ўтган бўлиши керак. Агарда ўрта таъмир, белгиланган юриш йўлни босиб ўтмасдан ўтказилган бўлса, у ҳолда белгиланган капитал таъмирғача ва ҳисобдан чиқаришгача бўлган босиб ўтилиши керак бўлган масофаси ўзгармайди.

Машинанинг базасида ўрнатилган курул-яроғ ва қурилмалар ўрта ёки капитал таъмир юборилса, у ҳолда босиб ўтган йўлидан (хизмат муддатидан) қатъий назар уларни ташиб юрувчи автомобил техникасида ҳам ўрта ёки капитал таъмир ўтказилади(10-11 расмлар).

Автомобил двигателларидан ҳаракатга келувчи махсус қурилмалар капитал таъмирғача ва ҳисобдан чиқарилишигача ишлаш муддати, уларнинг двигателлари хизмат муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.



10-расм.



11-расм.

Двигателнинг бир соат иши куйидагига тенглаштирилади: автомобиллар учун – 25 км., ёнғин ҳавфсизлиги машиналари учун – 50 км., тасма занжирли машиналар учун – 15 км., махсус ғилдиракли шассилар ва тортгичлар учун – 15 км. масофани босиб ўтган йўлига, тракторлар: занжирли тракторлар учун – 5 км. ва ғилдиракли тракторлар учун 10 км. масофани босиб ўтган йўлига тенглаштирилади .

Машиналарнинг капитал таъмиргача ёки ҳисобдан чиқаришгача ишлаш (хизмат) муддати коэффицентини мослаш (камайтириш) куйидагича қабул қилинади:

Машинани йўл шароитига қараб эксплуатация қилиш тоифаси коэффицентини (фақат автомобиллар учун) – К1- табиий иқлим шароитлари; К2 - машиналар тури ва уларни ишлатиш характери; К3 - машиналарни капитал таъмиргача ва ҳисобдан чиқаришгача якуний мослаштириш К1, К2 ва К3 коэффицентларни бир бири билан кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Қабул қилинган коэффицент қийматини иловада кўрсатилган мослаштириш бўйича ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш нуқтаи назаридан, машинани ички ёниш двигатели энергия таянчи бўлган тизимлар ва агрегатлар тўплами сифатида машинанинг жанговар, операцион ва иқтисодий фазилатлари тўғридан-тўғри ёки билвосита боғлиқлигини кўрсатиш мумкин.

Ҳозирда Республикамизда автомобил транспорти жадал ривожланмоқда. Автомобил паркидан фойдаланиш интенсивлигининг ошиши билан автомобиллар, агрегатлар ва бутловчи қисмларни таъмирлаш зарурати ортиб бормоқда.

Автомобилнинг ишлашни тиклаш учун уни капитал таъмирлаш керак, бу эса капитал таъмирлаш кўрсаткичларининг яхшиланиши билан заводларнинг истикболлари бор деб тахмин қилишга асос беради.

Капитал таъмирлаш сифатини ошириш, ҳозирги иқтисодий шароитда таъмирлаш ишлаб чиқариш

самарадорлигини ошириш учун арзон ва арзон бўлиши керак бўлган таъмирлаш технологиясини такомиллаштириш масаласини ҳал қилишда янги концептуал ёндашув талаб этилади. Капитал таъмирланганларнинг ишончлилигини ошириш автомобиллар ва агрегатлар самарали ишлаб чиқариш базаси билан жиҳозланган яхши ташкил этилган автоуловларни таъмирлаш ишлаб чиқариши керак.

Адабиётлар

1. Янги Ўзбекистон стратегияси [Матн] / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021. - 464 б. ISBN 978-9943-6992-3-6.
2. Поляк, М. С. Автомобил таъмирлаш: 2 т – - М.: Машинасозлик, 1965. – 141 б.);
3. Тарасенко, П. Н. Ҳарбий автомобиль техникасини таъмирлаш [электрон ресурс]: 1-37 01 06-02 "Автомобилларнинг техник эксплуатацияси" мутахассислиги курсантлари учун маърузалар курси / П. Н. Тарасенко – Минск: БНТУ, 2015.
4. Мобил автомобиль таъмирлаш устaxonаси ПАРМ-1М (ПАРМ-1М40С). Тўртинчи нашр
5. Ҳарбий авто-мобил техникаларини таъмирлаш асослари.
6. Автомобилларнинг тузилиши, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш 441-563 б.
7. Автомобилларнинг техник эксплуатацияси: тадқиқотлар. қўлланма: 3 қисм ичида-1 қисм: Техник эксплуатациянинг назарий асослари / Е. Л. Савич, А. Сай. - Минск: Янги билим; Москва: INFRA-M, 2015. – 427 б.
8. Уралов Х.Б., Казаков Н.Н. "Мудофаага тайёргарлик кўриш ва бошқаришда ҳарбий хийлани кўллаш". Мақола. «All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution» халқаро илмий журнали (ISSN: 2545-0573) 2023 йил 33-сон.
9. Уралов Х.Б., Казаков Н.Н. "Шаҳардаги жанг". Мақола. «All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution» халқаро илмий журнали (ISSN: : 2545-0573) 2023 йил 33-сон.
10. Уралов Х.Б., Казаков Н.Н. "Жангда учувчисиз учиш воситалари (дронлар) билан курашишиш усуллари ва воситалари". Мақола. «All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution» халқаро илмий журнали (ISSN: 2545-0573) 2023 йил 33-сон.
11. Уралов Х.Б., Сапев Ж.К. Халқаро майдонда маҳаллий урушларни ривожлантириш истиқболлари. Мақола. American Journal of Science and Learning for Development 1 No 2 (2022) 2022-12-27.
12. Transfer equation for the strain rate tensor and description of an incompressible dispersed mixture (incompressible fluid) by a system of equations of dynamic type Yuldashov, A., Abdisamatov, O., Abdullaev, B., Dustova, S. E3S Web of Conferences, 2021, 264, 03025